

«ХОЖАТБАРОР»
ОПАХОН
Ажаб саволар
2-бет

Мулоҳаза
ЙЎЛДАГИ-ФОЖЕА
3-бет

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР
7-бет

Нуктаи назар
ЭРТАКЛАР
ЯХШИЛИККА **ЕТАКЛАР... ЭДИ**
8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУШОШ

YURIDIK GAZETA

Fevral

| | | | | |
|----|---|----|----|----|
| D | 3 | 10 | 17 | 24 |
| S | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ch | 5 | 12 | 19 | 26 |
| P | 6 | 13 | 20 | 27 |
| J | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Sh | 1 | 8 | 15 | 22 |
| Y | 2 | 9 | 16 | 23 |

2003

07

(270)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

ИслоМ КАРИМОВ

Республика Бош прокуратурасида



ДЎСТОНА МУЛОҚОТ

2003 йил 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодиров Корея Республикасининг мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Адлия вазири жаноб Шим Санг Менг бошчилигидаги ҳуқуқшунослар делегациясини қабул қилди.

Бош прокурор Р.Қодиров кореялик ҳуқуқшуносларни Ўзбекистонга ташрифи ҳамда жаноб Шим Санг Менгни Корея Республикаси Адлия вазири лавозимига тайинланганлиги муносабати билан қизғин таъриқлади.

Сўнгра Бош прокурор мамлакатлараро муносабатлар тараққиётига тўхталиб, Корея Республикаси биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олган ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлардан эканлигини таъкидлаб ўтди. Бош прокурорнинг айтишига қараганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ҳуқуқни қўллаш тизими органлари ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик ҳам яхши ривожланган. Бу органлар ходимлари ўртасидаги ўзаро учрашувлар аънаваний тус олган.

Қабул маросими амалий сўхбатга айланиб, ўзаро ҳамкорлиқни, жумладан, терроризмга қарши кураш бўйича ҳамкорликни янада мустақамлаш масалалари муҳокама этилди.

Икки мамлакат Бош прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорликнинг исботи ўлароқ жаноб Шим Санг Менгнинг мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасида жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам ва жиноятчиларни ушлаб бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Учрашув сўнгида меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тарихи музейини ҳам томоша қилишди. Иштирокчилар ушбу мулоқот дўстлик ва ҳамкорлиқни мустақамлашда муҳим ўрин тутди деб ишонч билдирдилар.

Чоршанбадан Чоршанбагача

12 февраль

Президент ИслоМ Каримов Оқсаройда АҚШнинг «Данавант» компанияси президенти Уильям Данавантни қабул қилди.

Корея Республикаси Адлия вазири Шим Санг Менг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда қабул қилинди.

13 февраль

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Бизнес-марказда АҚШнинг Каунтерпет Интернешнл нодавлат нотижорат ташкилоти дастури бўйича фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

14 февраль

Темурийлар тарихи Давлат музейида буюқ ўзбек шоири ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

15 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Вазирлар Маҳкамасида

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

17 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янгулари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлади.

Натижада аҳоли жон бошига ялпи даромадлар йил давомида 1,4 баробар, реал даромадлар эса 12,6 фоизга ўсди.

Президентимиз йиғилганлар эътиборини иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислохотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим масалалар ва муаммоларга қаратди.

Мажлисда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, «Обод маҳалла йили» ва бошқа давлат дастурларини изчил амалга ошириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Юрбошимиз кадрларни профессионал жиҳатдан ўстириш тизимини яратиш ҳақида сўзлаш асносида ходимга лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўлаш тизимини яратиш зарурлиги хусусида тўхталди.

Президентимиз ўтган йилда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган мамлакатимиз халқи, ватанпарвар ва фидойи ҳамюртларимиз меҳнати самараси эканини, бу эса танлаган йўлимиз нечоғли тўғрилигидан яна бир бор далолат беришини қайд этди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИФИЛИШ

2003 йилнинг 15 февраль куни Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасида юртбошимиз ИслоМ Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақам кафолатидир» номли китобидан мамлакат мудофаси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, Ҳарбий интизом борасида келиб чиқувчи вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари К.Исмоилов, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Эргашев, Мудофаа вазирининг ўринбосари М.Аҳмедов, Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси офицерлари, Ҳарбий округ ва худудий Ҳарбий прокурорлар, Тошкент Ҳарбий округ прокуратураси офицерлари, МХХ ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Бош прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Б.Деҳқонов олиб борди.

Ўтган даврда Ҳарбий прокуратура фаолияти Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурор буйруқлари ҳамда Қуролли Кучлардаги аҳвол таҳлилига асосланган ҳолда ташкил этилди.

2002 йилда Ҳарбий прокуратура органлари томонидан умумий назорат йўналишидаги деярли барча текширувлар, уларнинг натижалари бўйича қўлланилган прокурорлик таъсир чоралари сони, ўндирилган зарарлар миқдори ошган.

2002 йил мобайнида жиноятчиликка қарши курашда Ҳарбий қўмондонлик, МХХ тармоқлари билан ҳамкорликда қўрилган чоралар натижасида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилдагига нисбатан 6,5 фоизга камайган.

Шу билан бирга, қўрилган чоралар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли жиноятлар сони айрим ҳудудларда ўсган, бу эса ҳали муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Йиғилишда қайд қилинган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш, мамлакат Президентининг армияни ислоҳ қилишга йўналтирилган кўрсатмалари ижросини таъминлаш, Қуролли Кучларда қонунчилик ва Ҳарбий интизомни мустақамлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаб олинди.

Республика Ҳарбий прокуратураси матбуот гуруҳи

✓ NAZORAT

Халқимизда «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат» деган мақол бор. Буни яхши тушунган инсон эртанги ҳузур-ҳаловатини, бахт-саодатини чинакам меҳнатдан излашга уринади. Шундай экан, яхши ният билан меҳнат қилган ҳар бир фуқаронинг хизмати ўз вақтида муносиб баҳоланиши лозим.

Бор гапни айтадиган бўлсак, кейинги пайтларда ризқ-рўзини ҳалол меҳнат билан топишга интилаётган ишчи ва хизматчилар орасида иш ҳақларини ўз вақтида ололмаи хуноби ошаётганлар кам эмас. Ҳўш, маош тўлашдаги бундай узилишлар ниманинг ҳисобига вужудга келяпти?

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Самарқанд вилоят прокуратура идоралари томонидан Ўзбекистон Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги (12.5.1995), «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги (24.1.1996), «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги (9.8.1996) фармонлари ижроси доимий назоратга олинган. Бу борада қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

ўтган дебитор қарзларнинг юзага келишига йўл қўйган. Оқибатда ишчи-хизматчиларга 2002 йилнинг январь-март ойлари учун 625.000 сўмлик иш ҳақи тўланмай келган.

Самарқанд шаҳар троллейбус бошқармасидаги аҳвол бундан ҳам оғирроқ. Раҳбарлар 3.076.000 сўмлик дебитор, 24.881.000 сўмлик кредитор қарзларнинг муддати ўтишига йўл қўйишган. Оқибатда ишчи-хизматчилар 2001 йилнинг декабрь, 2002 йилнинг январь, февраль ойлари учун 4.793.000 сўмлик иш ҳақини ололмаганлар.

Текширишларда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижроси бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Жумладан, Каттақўрғон туманидаги Мирзо Улўғбек номили ширкат ҳўжалиги раҳбарлари иш ҳақи тўлаш муддатларига риоя қилмаганлиги оқибатида ҳўжалик ишчиси О.Раҳмоновга 136.301 сўм, Д.Раҳмоновга 206.750 сўм, жами 6 нафар ишчи-хизматчига 895.899 сўм иш ҳақи берилмай келганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан Каттақўрғон туман прокурори фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, иш ҳақини ундириш бўйича фуқаролик судига 6 та даъво аризаси киритган.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини Ургут, Иштихон, Нарпай, Тойлоқ туманларида ҳам учратилиши мумкин.

Текшириш натижаларига кўра вилоят прокуратураси органлари аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида корхона ва ташкилот раҳбарларига 64 та тақдирнома киритди, 99 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида ёзма равишда расман

огоҳлантирилди, 77 шахс интизомий, 141 шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 23 та жиноят иши қўзғатилиб, судларга 54.934.000 сўмлик 529 та даъво аризаси киритилди. 419.017.000 сўмлик иш ҳақининг эгаларига тарқатилиши, 71.430.000 сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларнинг ундирилиши таъминланди.

Қонунлар иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йўл очмоғи керак. Шундай экан, уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш барчамизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиб қолаверади.

Акбар АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг ўринбосари

P.S.

Ушбу мақола саҳифаланган бир пайтда хушхабар олдик. Мақола муаллифи Акбар Азизов Самарқанд вилояти прокурори этиб тайинланди.

✓ AJAB SAVDOLAR

«ҲОЖАТБАРОР» ОПАХОН

Деновадаги «Сурхонозиқовқатсановат» ҳиссадорлик жамиятининг дарвозаси ҳамisha гавжум бўлади. Биров шелуха, биров кунжара, бошқаси топширган чигитига яраша мой олиши керак.

Ўтган йилнинг кузи эди. Бобур номили ширкат ҳўжалиги пудратчиси А.Пардаев кўп қатори мой заводидан ўзига ажратилган шелухани олиш учун келиб, турнақатор машиналар атрофини айланиб юрганида Умида Мадраҳимовага йўлиқиб қолди.

— Озуқа олиш ташвишида юрганга ўхшайсиз-а? — деди «ҳожатбарор» опажон.

— Ҳа, опажон, 3800 кило шелуха фондими бор. Ушани олиб кетиш учун келдим, — жавоб қилди пудратчи.

— Ана, кўраяпсиз, озуқа оламан деган сон мингта. Навбатта турсангиз, бир ҳафта сарсон бўласиз. Яхшиси, келишайлик. Мен юкинганини олиб чиқаришни тезлаштираман. Сиз ўша 3800 кило шелухани олингу қолгани билан ишингиз бўлмасин. Келишдикми?

А.Пардаев аввалига ҳайрон бўлди, ишонқирамади ҳам. Сўнг «Бор-е, таваккал-да. Бирга заводга кираман. Қачиб кетмас, ахир?» деб Умиданинг қўлига 233-ишончномани тўтқазди. Унда 3800 кило шелуха олиш мумкинлиги қайд этилган эди.

Умида пудратчининг қўлидаги ишонч қоғозини олди-да, заводнинг хилватроқ жойига ўтиб, ундаги «3,8» ёзувини «13,8» қилиб сохталаштирди.

Тўшдан сўнг ўн тонна ортиқча юкни ортган машина завод дарвозасидан ташқарига чиқди. Ишинг бундай силлиқ кўчганидан хурсанд бўлган пудратчи ўзига тегишли улушини олиб, ортига қайтди. Опахонни рози қилишни ҳам унутмади. Орадан уч кун ўтган, яна завод ёнида учрашдилар. Бу сафар пудратчида 8 тонна, нархи 257 миңг сўмлик озуқаси қайд қилинган расмий

ҳужжат бор эди. Ўтган гал ишни «енгиллаштирган» опажон:

— Сиз заводга кириб овора бўлиб юрманг. Ҳаммасини ўзим бажараман. Келишганимиздек гўшти сизники, сўяги бизники, — дея ишончномани олиб, ичкарига кириб кетди.

Ишончномадаги «8 тонна»ни бирпасда «18 тонна»га айланттирган «тадбиркор» опа ҳаш-паш дегунча 321.140 сўмлик 10 тонна ортиқча кунжарани «умариб», барчанинг кўзини боғлаганча темир дарвозадан катта қўчага чиқди-да, чўқур нафас олди.

— Мана, ажажон, ҳаммаси келишганимиздек, — шодон қилди у. — Мижозлар бўлса, менга учрашсин. Ширкат ҳўжалигидан фақат сиз озуқа олмайсиз, ахир.

— Бор, топилади. Тайинлайман, сизга учрашшадим, — деди пудратчи ҳам ишининг бундай теги битишидан хурсанд бўлиб.

Шу тариқа Умиданинг ишлари юришиб кетди. Қўлига тушган ишонч қоғозларига усталик билан сохта ёзувлар киритиб, заводдан ортиқча озуқаларни олиб чиқишда давом этди. Бу сафар Бобур номили ширкат ҳўжалиги томонидан таъминотчи Т.Қаршиев номига берилган 244-ишончномадаги «10 тонна» шелухани «30 тонна» қилиб ўзгартириб, 238.920 сўмлик 20 тонна озуқани гумдон қилди. У.Мадраҳимова караси, гушлар «беш», ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Сохта ёзувлар эса чўнгатгани наф-пайтирмақда. Бора-бора опанинг қанчиси ҳақалак отиб кетди. Икки ой ичида у шу йўл билан ўзлаштирган маблағ 1.169.966 сўмга элди.

Нафсинг ёмони — балонинг қони дейишди. Охир-оқибат Умида Мадраҳимованинг сирини фош қилиниб, у қилмиши учун тегишли жазосини олди.

Бахтиёр САМАДОВ,
Денов туманларари
прокурорининг ўринбосари

✓ JURNALNING YANGI SONI



ТУРФА МАВЗУЛАР БИЛАН

«Qonun himoyasida» журнаlining 2003 йилги биринчи сони ҳам дунё юзини кўрди. Эпиграф этиш керак, тахририят ўқувчилар эътиборини янада кенгроқ жалб эт. Мақсадда журналист ва мақолаларнинг қизиқарлилиги борасида сезиларли ўзгаришларни амалга оширган. Ундаги материалларни кўздан кечиран экансиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

«Маҳалла нафақат Ватан имра Ватан, балки давлат ичра давлат ҳамдир. Обод маҳалла йилнинг стратегияси шундай. Маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Маҳалла яшнаса, Ватан яшнади. Маҳалланинг нуфузи юрт қудратини белгилайди...» «Бош муҳаррир минбарин» рункида берилган ушбу сатрларда маҳаллаларимизни янада кўркам ва фаровон кўриш тўғрисидаги ораун-ниятлар муҳассам.

Бош прокурорининг ўринбосари Хамиджон Нечмавовнинг журнал муҳбири саволларига жавабларини ҳам 2002 йил якунлари, янги қонунлари ҳаётга татбиқ этиш борасидаги мулоҳазалар деса бўлади.

— «Правда Востока» газетасининг 2002 йил 30 октябрь сонидида чоп этилган С.Ежковнинг «Кўриштиш фактори» мақоласида ҳамда ўша газетанинг 9 ноябрь сонидидаги Л.Хван қаламига мансуб «Ҳўқуқнинг обрўсизлиниши» мақоласи қўлимга қалам олишга мажбур этди, — деб ёзади «Ҳўқуқий давлатда прокуратура» номили мақоласида юридик фанлари доктори М.Рустамбоев. Унда муаллиф айтиб ўтилган мақолалардаги кўп фикрларга эътироз билдириб, Ўзбекистон прокуратурасининг ташкил этилишидан то ҳозирги давргача босиб ўтган йўлини очик-ойдин кўрсатиб берган.

Шунингдек, журналда Ўзбекистон Мудоффа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов билан сўхбати ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Бугунги кунда ОАВ ўз функциясини бажараётими? Мазкур саволга тадқиқотчи З.Дархонвичнинг «Испохотлар ва ОАВ» мақоласидан жаваб олишнингиз мумкин.

Бундан ташқари журналдаги «Компьютер жиноятчилиги», «Пахта иши» уйдирмалари, «Ботқоқ» сингари мақолаларни ўқувчилар эътиборини жалб қиладиган материаллар сирасига киритиш мумкин. Ўзбек детективи илхосмандларни учун «Шафқатсиз тоғлар» кўссасининг давоми берилган.

Хуллас, журнални қўлига олган ўқувчи ўзига керакли мавзунини топа олиши шўбҳасиз.

Фозил МАМАШАРИПОВ,
«HUQUQ» муҳбири

✓ PROKURATURA FAXRIYLARI

Очиги, илк бор учрашганингизданок Сизда бу инсонга нисбатан кўчи ҳурмат, эҳтиром уйғонади. Унинг феъл-атворидаги қатъият, вазиимлик дастлабки сўхбатданок сезилди. Тузуқроқ назар ташласангиз, бундай кучли ироданинг пайдо бўлишида йиллар давомида неча-неча заҳматлар билан эришилган ютуқларнинг, шиддатли курашларнинг таъсирини билиб олиш қийин эмас. Ортада қолган йиллар унга қанчадан-қанча тўхталар билан бирга баъзан ташвишлар келтиргани ҳам бор гап. Бу ҳақда унинг ўзи камтарона сўзлайди:

— Ҳаёт билан, замон билан ҳамқадам бўлиб бориш, албатта, осон эмас. Ўтган бир неча ўн йиллик тажрибама қарамай ўз устимда ишладан, ниманидир ўрганишдан ҳамон уялмайман.

Бу унинг кўпгина фазилатлари каби бошқалар ҳавас қилса арзийдиган камёб хислатдир.



ИРОДА ВА

Собик Иттифок таҳликага тушган сўнгги йиллар эди. Москвада СССР Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси лавозимига жойлардан кадрлар танлаб олина бошланди. Махсус комиссиянинг Иттифокнинг турли бурчакларидан келган кадрларни очикдан-очик мазак қилиш, камситувчи савол-жавоблар кўпчилигининг ҳафсаласини пир қилди. Шундай пайтда Жиззах вилоят прокуратураси ўзининг етук терговчиси Омон Худойқуловни ҳам марказга жўнатди. Очиги, Омон ака у ерга ҳушламайгина кетди. Ўзининг анча меҳнати сингган вилоятдан узоклашиш, ташвишу-муваффақиятлари шахсий ташвиши ва фаолияти билан уйғунлашиб кетган она-юртдан олисга йўл олиш кийинда ёқимсиз ҳиссийёт уйғотди. Шу бос Ташкент аэропортида биратўла қайтишга

лашгани, давлат бошқарув тизими билан чатишиб кетганлиги мана шу ерда ёққол кўзга ташланди. Ўзбекистонлик терговчининг қатъий иродасини, фақат қонунни тан оладиган марғуруна қайсарлигини ҳеч ким бука олмади. Секин-аста Омон Худойқуловни қўлаб-қувватловчи қишлар ҳам пайдо бўлди. Натижада кўшларга кўтариб макталдалик социялистлик савдо тизимининг мунофиқона қилмишлари барҳам берилди. Омон аканинг олдида энди олис Магадан шаҳридаги жиноий қилмишларини очиб ташлаш вазифаси турарди. Лекин худди шу кўнларда мустақиллик эълон қилиниб, марказ тасарруфидида маҳаллий кадрлар эркинликка чиқдилар. О.Худойқулов ўз юртига собик Иттифокнинг юридик тизимидан ҳам, миллион-миллионларни ямлаб ютиб, иттифокдош республикаларни талашдан ор

AFSUS

ПОРАХЎР

ОҚСОҚОЛ

Афсуски, бундай ҳолатлар кам бўлса-да, учраб турибди. Масъулиятли лавозимдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, одамларга ибрат бўлиш ўрнига, уларни ўзи жиноятга етаклаган оқсоқолларнинг мавжудлиги ачинарли ҳолат.

Кунлардан бир кун пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Марифат» маҳалласи фуқаролар йиғин раиси Нишон Ҳусановнинг қўлига маҳалла фуқароларидан бирининг аризаси тушиб қолди. Унда аризачи қўшниси кононуний қурилиш қилаётгани туфайли унга тинчлик бермаётганини баён қилган эди. Оқсоқол масаласига оидлик киритиш мақсадида котибаси ва маҳалла нозири билан мазкур хонадонга боради. Бу ерда турувчилар хонадонда рўйхатда бўлмаётган, бошқа жойдан келиб яшаётган фуқаролар бўлиб чиқди. Шундан кейин оқсоқол ва унинг ёрдамчилари хонадонда кононуний қурилиш олиб борилаётгани ва электрдан ўғринча фойдаланилаётгани хусусида ҳужжат тўлғазилади. Сўнг бу ерда яшайдиганларга уй эгаси билан тезде маҳалла кўмитасига боришни, агар боришмаса тўлғазилган ҳужжатлар чора кўриш учун прокуратурага юборилишини айтиб чиқиб кетишди. Ўз навбатида бу ерда-

гилар уй эгасининг қариндоши Светлана Лилин бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилади. У эса бу ишни бир ёқлик қилиш учун маҳалла оқсоқолининг котибаси М.Демихинага учрашади. Гап орасида котиба 100 АҚШ доллари бўлса, бу ишни ёқди-ёқди қилиб юбориш мумкин дея айтиб ўтади. Светлана Ли эса айтилган пулни бир ҳафтада олиб келиб бераман деб ишонтиради. Орадан ўн кунлар ўтиб оқсоқол ва ёрдамчилари яна шу хонадонга боришади. Негаки, улар шу вақтгача ваъда қилинган пулни ололмаган эдилар.

Энди оқсоқол бақириб-чақириб, бу сафар ҳам уй эгаси ўзига учрашмаса протокол ва актларни ҳуқуқ-тартибот идораларига топшириб юборишини айтади. Бундай ҳолат яна бир неча марта такрорланади. Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтиб кетади. Лекин оқсоқол ҳужжатларни прокуратурага топширмайди. Негалиги фақат ўзига маълум. Ваъда қилин-

ган пулни тезроқ олиш мақсадида оқсоқол улушни озроқ камайтиради. Аввалги 100 доллар юз минг сўмга, ундан саксон минг сўмга туширилади. Хўллас, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига қилган мурожаати юзасидан тузилган тезкор гуруҳ томонидан оқсоқол ва унинг котибаси пора олаётган пайтда қўлга олинди.

Суд ҳукмига кўра улар тегишли жазосини олишди. Лекин кишини бир ўй ташвишга солади. Агар маҳалладан бирон бола безорилик қилиб жиноят содир этса, ота-онаси, маҳалла-кўйнинг бу ишда айби бор деб кўрсатишга асос бордир. Аммо халқ сайлаб қўйган, ўзининг панд-насиҳати билан ёшларга намуна бўлади-ган, халқни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чақирадиган оқсоқолнинг бундай қинғир йўл туттишида кимни айбдор санайсан?

Бегижон ҚўҚОНБОВ,
Ҳамза тумани прокурори

ча миллий ўзига хосликлар қонунларда акс этаётган бир пайтда прокуратура жазоловчи макомидан буткул воз кечди. Эндиликда у фуқароларнинг ҳуқуқ ва маффаатларини ҳимоя қилувчи муассасага айланганига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Омон аканинг бу гаплари, қуюнчаллиги беҳиз эмас. Зеро, орамизда эскича дунёқарши билан замон талабларига жавоб беролмаётган кишилар кам эмас. Бундайлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол этилишига Зафаробод тумани прокуратураси хо-

кишини ажаблантиради. У фаолияти давомида 150.234 сўм миқдоридagi нафақа ва иш ҳақига берилгани лозим бўлган пулларни шахсий эhtiёжига ишлатиб юборган. Прокуратура аралашуви билан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланиб, пуллар эгаларига тарқатилди. Лекин Қ.Ҳайроевга ўхшаганлар эса топилади. Масалан, фуқаро Ф.Бейсинов 280.000 сўмлик автомобил эhtiёт қисмларини талон-тароҳ қилган бўлса, Зафаробод туманида яшовчи Х.Ережепов 284.498 сўм иш ҳақи ва нафақа пулларини ўзлаштириб юборган. Шу-

Баҳор ади. Фарход (исмлар ўзгартирилган) яқиндагина олган «Тико»-сини ўт олдиригач, машина қизигунча уёқ-бўёғини артган бўлди. Сўнг ҳар доимидек тирикчилик илинжида тўрт-беш сўм топиш учун йўлга чиқди. Мирбозорга етиб келганида шивалаб турган ёмғир кучайиб, йўлнинг айрим жойларида сув қўллаб қолганди. Бекаат гавжум. У кўп кутмади. Ўрта ёшлардаги бири киши икки болани етаклаб олган аёл билан машина ёнига келди:

— Ука, Навоий шахрига обориб қўйинг, биз тўрт кишимиз.
— Гап йўқ, ака, обориб ташлайман, — мамнун жавоб қайтарди Фарход. Машина йўлга тушди. Йўловчилар ҳали яхшилаб жойлашиб улгурмай тезликни кўрсатувчи стрелка 100 га бориб тақалди.

Ёмғир ҳам забтига ола бошлади. Ҳалигина 100 ни кўрсатаётган стрелка энди 120 нинг устида турарди. Машинанинг ойна тозаллагичи холдан тойгандек гичир-гичир қилиб, шариллаб қуяётган ёмғирга бас келолмасди. Ташқарини кузатиб келаётган йўловчиларнинг хаёлларини кўклам шабадаси олис-олисларга олиб кетаётгандай. Болалар эса аллақачон уйкуга кетишган.

Ҳайдовчи ҳамон тезликка зўр берарди. Зумда манзилга етса-ю, яна уч-тўрт одам топиб ортга қайтса. Бироздан кейин шаҳарнинг қўқваттали уйлари-ю заводларнинг тутун бурқисиб турган темир мўрилари кўзга ташланиб қолди.

Шу пайт тўсатдан машинанинг чап томонини нимадир ушлаб қолгандай бўлди. Йўл ўртасидаги бетон тўсиқларнинг қайрилиб олиш учун очик қолдирилган жойига келганда машина ҳайдовчи иштиёрига зид равишда қарама-қарши йўналишга чиқиб қолди. Қаршидан эса катта тезликда юк машинаси келарди. Ҳеч ким ҳеч нарсаини идрок қилишга улгурмади. Тўқнашув шунчалик тез юз бердики... Фарход ҳам, йўловчилар ҳам шу заҳоти жон беришди. Ухлаб ётган болалар ҳатто кўз очишга ҳам улгурмадилар. Бутун бир оиланинг чироғи ўчди.

MULOHAZA



ЙЎЛДАГИ ФОЖЕА

Йўқ, мен бу фожеа тафсилотини кимлардир ачиниш, раҳм-шафқат, газаб тўйгуларини кўзгаш учун келтирмадим. Аксинча, бунга кимларнингдир локайдлиги хусусида тўхталмоқчиман.

Таксичи Фарход эндигина ўн тўққиз ёшга тўлганди. Лекин одамлар ҳаётини шу ёшдаги қайноқ қонли ўспиринга ишониб бўладими? Йўл ҳаракатининг нозик тартиб-қоидалари бор, баъзан қалтис вазиятлар юзага келиб қоладики, шунда тажриба керак бўлади, зудлик билан қатъий қарор қабул қилиш талаб этилади.

Ҳозир юзлаб ёшлар тadbиркорлик мақсадида таксичилик қилишапти. Лицензия бериш учун ҳоқимликларнинг қарори чиқарилади, солиқ инспекцияси патент беради. Лекин уларнинг ёши чекланганми-йўқми? Буни ҳеч ким суриштирмайди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатадиган «Олтин водий» уюшмаси ходими, яқин танишим билан шу мавзуда сўхбатлашганимизда у:

— 21 ёшга тўлмаган фуқароларга таксичилик қилиш учун лицензия ҳам, патент ҳам берилмаслиги керак, — деб қолди.

— Нега бўлмаса ҳозирги таксичиларнинг айримлари 19-20 ёшли ўспиринлар?

— Нима дейсиз, бирор йўғонроқ танишини орага солиб, йўлини қилса керак-да. Биз фақат лицензия билан ишлаймиз.

«Йўлдаги фожеа»нинг шундай тақдирлардан бирига миниб қолдим, «Форд» экан, ичиди ўн чоғли одам ўтирибди. Йўл-йўлақай ҳайдовчи ёнида ўтирган танишига мақтанаяпти:

— Кеча гаштагимиз бор эди, — гап бошлади у, — 20 киши эдик, 2 яшиқ арок билан бир қўчқорни тамохламагунча кўзгалмадик.

— Қойил, бугун қандай рулда ўтирибсан, калланг гувилламаптими?

— Бош-ку гаранг, лекин шу чет эл сакчиликка тин бериш керак, икки донасини оғизга ташлаб қўйсанг бас, арок тугул бензиннинг ҳидиниям шиммиб олади қургур.

— Йўлда мабода «ГАИ» тўхтатиб...

— Э-э, кунига юз марта ўтамиз, ака-укадай бўлиб кетганмиз, ҳадеб тўхтатиб ётишмайди. Ҳар замонда уларга ҳам хизмат-пизмат дегандай... Шу пайт машина нимагадир урилди. Тезлик яхшигина бўлгани учун анча ўтиб тўхтади. Йўл четиди бир қўй типирчилаб ётарди. Ҳаш-паш дегунча одам йиғилди. Кўпчиликнинг маслаҳати билан жон талвасасида ётган қўй ҳалолланди. Эгаси ҳам хабар толган шекилли, келиб қолди. Яқши одам экан, ҳайдовчи билан келишиб қўя қолди. Машинасининг зарба берган жойини кўздан кичираркан у бошини сарак-сарак қилганда «камида 70 тага тушдим» дея мингирлаб қўйди.

Йўлга тушдик, юракларни ҳовуцлаб. Дафъатан хаёлимга келган «одам бўлганда нима бўларди?» деган ўйдан даҳшатга тушдим. Шунда беҳтеиб бундан икки йил бурун юз берган, мақола бошида айтиб ўтганим фожеа кўз олдимга келди.

Исроил ХОЛБОВ,
журналист.
Навоий вилояти

ҚАТЪИЯТ БИЛАН

гун содир этмаслик имкониятида ҳам кўзга ташланади. Ўтган йиллар давомида улкан ишлар қилинди. Ўзгаршилар, эркинлаштириш жараёнлари адолатнинг юзага чиқишида омили бўлмоқда. Мендан мустабид тузум давридаги ва ҳозирги фаолиятимиз ҳақида кўп сўрашади. Бу саволни унча ёқтирмайман. Ҳаммаси кўзга ташланиб турибди-ку... Иттифоқ даврида қонунлар қабул қилиш ҳуқуқимиз бормиди? Барча қонунлар марказниқидан кўчирма қилиб олинарди. Республикаларнинг ўзига хос жиҳатлари билан ҳеч ким ҳисоблашмасди. Натижада «социалистик ҳом-хаё» билан реал ҳаёт ўртасида каттагина фарқ вужудга келган эди. Прокуратуранинг «партноменклатура» оддий жазо машинаси деб биларди. Бугунчи? Бугун инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари биринчи ўринга қўйилаётган, бар-

димлари қатъият билан чек қўйишмоқда.

Омон Худойқулов Зафаробод тумани прокурори лавозимида иш бошлаган йилларда бу ерда аҳвол унча яқши эмас эди. Эндиликда эришилаётган натижалар кишида ҳурмат ҳиссини кучайтиради. Айниқса эски давр иллатларини ўзига мерос қилиб олган, жинояткорона қилмишларидан воз кеча олмаётганлар билан курашда бу яққол намоён бўлади.

— Мен бундай одамларни тушунолмайман. Қандай қилиб кўпчиликнинг ҳақиқа, ҳуқуқларига хиёнат қилиш мумкин? Бу ҳатто бизнинг миллий анъаналаримизга ҳам зид-ку? Шундайлардан бири Зафаробод тумани уй-хойлардан фойдаланиш бошқармаси бош ҳисобчиси Қобил Ҳамроевдир...

Унинг кирдиқорлари ҳақиқатан ҳам

қурки, прокуратура ходимлари сергаклик билан ишломқода. Ўтган йили тушмида жиноятчилик анча камайишига эришилди. Шу боисданми, бу ерда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида тажриба семинари ўтказилди. Бу ўзига хос эътироф эди. Прокуратура органларида ўттиз йилга яқин самарали фаолият кўрсатган, ҳеч қачон адолат тамойилдан чекинмаган, меҳнат ва қийинчиликлардан қўчмайдини шахс фаолиятига ҳақиқий баҳони, албатта, халқ беради. Биз айнан шундай эътирофни кўпчиликдан эшитдик. Зотан, чинакам меҳнат ҳеч қачон исзис кетмаган.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«HUQUQ» муҳбири

«HUQUQ» ИЙ

маслаҳатхона

E-mail: huquq@infonet.uz 133-82-34, 133-64-72

РУХСАТНОМА ЗАРУР

? Бозорда кийим-кечак ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарса-лар сотар эдик. Лекин 2002 йилнинг декабрь ойида савдо нуктамизни олиб ташлашди. Шундан буён ишга чиқмаяп-миз. Бозор маъмуриятдан олиб ташланган дўконларимизни қачон қўйиб берасизлар деб сўрасак, янги тартиб бўйича бошқа ҳужжат тайёрлашимиз лозимлигини айтишди. Бунинг учун қарга мурожаат этишни билмай турибмиз. Иложи бўлса шу масалада тушунтириш берсангиз.

З.АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри Сирғали тумани

? Буюм бозорда чакана савдо билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркор турғун савдо шахобчаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига рухсатнома сўраб мурожаат этиши мумкин. Рухсатнома олиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши керак:

- якка тартибдаги тадбиркор чакана савдода сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳи кўрсатилган ариза;
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчининг жисмоний шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- буюм бозори маъмуриятдан якка тартибдаги тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- чакана савдо ҳужуқига маҳаллий йўғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Рухсатнома олингандан сўнг чакана савдо ни фақат қуйидаги то-варлар бўйича амалга ошириш мумкин:

- бевосита ўзингиз якка тартибдаги тадбиркор сифатида келтирган импорт товарлар;
- ўзингиз тайёрлаган (сотилиши таъқиқланмаган) товарлар;
- бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИМ КЎЙИБ КЕТАДИМИ?

? Заводда муҳандис бўлиб ишламан. Шу йилнинг 9 январь кuni меҳнат таътилига чиққан эдим. Таътил даврида соғлиғим ёмонлашиб, касалхонага ётишга тўғри келди. У ерда йигирма бир кун даволаниб чиқдим. Шунга қарамай 11 февраль кuni ишга чиқишим керак. Меҳнат таътилим касал бўлганлигим сабабли қўйиб кетадимми?

З.ОРТИҚОВ,
Фарғона шаҳри, Қирғули тумани

? Меҳнат кодексининг 145-моддаси талабига мувофиқ, меҳнат таътилидан фойдаланишга тўқтинлик қилувчи ҳолат-лар тўғрисида иш берувчини хабар-дор этиш лозим. Бунда фойдаланил-маган таътил кунлари фойдаланиш-га тўқтинлик қилган кунлар сонига узайтирилади ёки ўзaro келишувга кўра таътилининг фойдаланилмай қўлga қисми бошқа мuddатга кўчи-рилади.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мумкин зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъий назар амалга оширилади.

(«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси)

ШАРТИ БОР

? Мен якка тартибда савдо билан шуғулланиб келаман. Келгусида улгуржи савдони йўлга қўйиш ниятида эдим. Лекин ҳозир кўпгина савдо ташкилотлари ишламаяпти. Бунинг сабаби нимада? Улгуржи савдо билан шуғулланиш учун нималар қилиниши керак?

К.НАСРУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳри

? Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-қарорига кўра, 2002 йилнинг 1 декабрдан эътиборан улгуржи савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо опера-циялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарликни таъмин-лайдиган миқдорда низоом жамғармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт. Шунга мувофиқ тегишли моддий-техник базага (ўз омборхонаси ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиши вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари (шундан пул маблағлари — энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баравари) миқдоридаги низоом жамғарма-сини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдо билан шуғулланишга рухсатнома олиш ҳужуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

СОЛИҚ ТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГАН

? Мен Денов шаҳридаги «Бободехқон» бозорида тухум сотаман. Яқинда туман солиқ инспекция-си ходимлари келиб, солиқ тўлашим кераклигини айтишди. Уларга шароитим оғирлиги сабабли тўлолмайман, қолаверса тухум кишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлганлиги учун ундан солиқ олиш мумкин эмас-ку десам ҳам қулоқ солишмаяпти. Оилавий шароитимни инобатга олиб, шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман.

Зебо УМИРОВА,
Денов шаҳри

? Ушбу шикоятга Денов туман ҳокимининг 1-ўринбосари — шаҳар ҳокими А.Олтибоев жавоб беради:

Ариза туман ҳокимлиги ва солиқ инспекцияси ҳамкорлигида ўрганилиб чиқилганда, қуйидагилар маълум бўлди. Фуқаро Умирова Зебо доимий равишда «Бободехқон» бозорида тухум олиб сотиш билан шуғулланиб келган. Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2002 йил 2 шондаги 116-ва Денов туман ҳокимининг 8 шондаги 627-қарорига асосан бозорларда турғун савдо шахобчаси ташкил қилмасдан, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзлари етиштиримай олиб сотиш билан шуғулланувчиларга қатъий солиқ ставкаси белгиланган.

Шу муносабат билан З.Умировага қатъий солиқ ставкасида белгиланган суммани доимий равишда тўлаб бориши лозимлиги тушунтирилди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мазкур ҳолат юзасидан олинган жавобга яна шунки қўшимча қилиш керакки, Солиқ кодексининг 58-моддаси «к» бандида белгиланган тартибда кўра, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигида етиштирилган маҳсулотлари (қорамол, қуён, нутрия, балиқ, парранда кабиларни), шунингдек, асаларчилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромд-лари суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига киритилмайди.

СИФАТСИЗ МОЛ СОТУВГА ЧИҚАРИЛАЯПТИМИ?

? Ҳозир пойтахтимизнинг турли жойларида савдо шохобчалари ташкил этилиб, қонунни бузган тадбиркорлардан давлат ҳисо-бига олиб қўйилган товарлар арзон нархда сотилмоқда. Омма-вий ахборот воситаларида эса уларни сифатсиз, сертификат-сиз мол деб айтишяпти. Савол туғилади: улар сифатсиз ва сертификатсиз бўлса, нега сотувга чиқариляпти? Қолаверса, бу товарларни сотишни қимлар, қандай тартибда амалга ошира-яптилар?

Латиф ХАЙИТБОЕВ,
Тошкент шаҳри

? Сиз тилга олган товарлар ваколатли органларнинг қарорлари асосида олиб қўйилиб, давлат ҳисобига ўтказилган ва истеъмолга яроққилиги экспертиза билан аниқланган. Қонун ҳужжатларида мувофиқ мулкни давлат ҳисобига ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

- жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида;
- фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида;
- тергов органларининг ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорлари асосида;
- божхона органларининг қарорлари асосида;
- солиқ органларининг қарорлари асосида.

ЯРОҚЛИК ДАРАЖАСИ

Олиб қўйилган ва давлат ҳисобига ўтказилган мол-мулкнинг истеъмол учун яроққилигини аниқлаш мақсадида ваколатли орган томонидан уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса бир сутка мобайнида экспертиза тайинланади.

Экспертиза мол-мулкнинг турига қараб ваколатли ташкилотлар (стан-дартлаштириш органи ёки у аккредитация қилган ташкилотлар, лабора-ториялар, санитария-эпидемиология муассасалари ва ҳ.к) томонидан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Эксперт мол-мулкнинг эгаси иштирокида, у бўлмаган тақдирда эса гувоҳлар иштирокида синов учун намуналар олади. Экспертиза натижа-лари тўғрисида уч сутка ичида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса бир сутка ичида мол-мулкни олиб қўйган органга хулоса беради.

Уч кунлик мuddатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган товарлар бўйича экспертиза қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатда ўткази-лади.

БАҲОЛАШ

Олиб қўйилган мол-мулкларни баҳолаш зарур билимларга эга бўлган мутахассис (савдо, аудиторлик ташкилоти ва бошқа муассасаларнинг ходимлари) томонидан талаб конъюктурасининг маълумотлари ва ички бозор тақлифи асосида баҳолаш кунни амалда бўлган нархлар бўйича ўтказилади. Бунда мутахассис уч сутка ичида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса дарҳол ёзма шаклда хулоса беради ва бу хулосанинг холислиги ва ишончлилиги учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Шундан сўнг истеъмол учун яроқли деб топилган товар (кўчмас мулкдан ташқари) шартнома воситачилиги асосида ёки қимойи савдоси орқали сотилади.

Мол-мулкни сотиш бўйича шартнома савдо ташкилоти билан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий қўллаб-қувватлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари ўртасида тузилади.

Шартнома тузишда савдо ташкилотининг ихтисослашуви, жойлаш-ган ўрни ва истеъмолчи учун қулайлиги, омборхона, жиҳозлар ва бошқа зарур нарсаларнинг мавजूдлиги ҳисобга олинади.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Агар сотилаётган товарга талаб бўлмаса ва 30 кун мобайнида белги-ланган нархда сотилмаса, савдо ташкилоти унинг баҳосини суд ижрочиси, молия ва солиқ органи вакиллари ҳамда баҳолаш бўйича тайинланган мутахассис иштирокида 20 фозгача арзонлаштиради. Агар товарда жузъий камчилик мавजूд бўлса, уни таъмирлаш, тозалаш, текислаш уни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилоти ҳисобига ўтказилади.

Сақланиш мuddати 72 соат бўлган тез бузиладиган товар, шунингдек, яроққилик мuddати бир ойда тугайдиган товар истеъмолга яроққилиги бўйича экспертиза хулосаси ва баҳолаш вақтидан бошлаб бир сутка ичида уни олиб қўйган органининг мансабдор шахси томонидан суд ижрочиси иштирокида савдо ташкилотига сотиш учун берилади.

СОТИЛМАЙДИГАН МУЛК ТАҚДИРИ

Сотувга чиқарилмаган буюмлар, хусусан:

- диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиий, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек, таркибиди қимматбахо металл ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга берилади;
- пул маблағлари, хорижий валюта, чеклар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар (акциялар, жамғарма омонатлари, пул-буюм лотерея чипталаридан ташқари) қонунга мувофиқ тарзда Марказий банкга;
- почта маркалари, жумладан, коллекция қилинадиган маркалар ҳақи олинб, почта алоқаси ташкилотларига берилади;
- китоблар (тарихий, илмий-бадиий қимматга эга бўлган китоблардан ташқари) ҳақи олинб, китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларга берилади. Агар китоблар белгиланган тартибда сотилмаса, тўлов эвазига чиқинди қоғозларни қабул қилувчи ташкилотга ўтказилади;
- кишлоқ хўжалиги машиналари, инвентарь, асалари оилалари, ем-хашак, минерал ўғитлар ва пестицидлар ҳақи олинб, кишлоқ хўжалиги корхоналари ва дехқончилик билан шуғулланувчи фуқароларга берилади;
- жун, мол гўшти, дон, каноп ва зигир толаси ҳамда бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақи олинб, уларни тайёрлаш билан шуғулланув-чи ташкилотларга, чарм, момиқ-мўйна ва қоракўл уларни қайта ишлашга ихтисослашган ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

Йўқ қилиниши лозим бўлган ва икклимачи хом ашё сифатида фойдала-ниш мумкин бўлмаган буюмлар ваколатли органлар вакили, мутахассис ва гувоҳлар иштирокида йўқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

«Ахборот эркинлиги
принциплари ва кафолатлари
тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунини амалга
киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Ў.Султонов) ўз қарорларини «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 декабрь.

8



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ахборот эркинлиги
принциплари ва
кафолатлари
тўғрисида

«Халқ сўзи» газетасининг 2003 йил 7 февраль сонидан олинди

олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

14-модда. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

ахборот борасидаги хавфсизлик – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати;

ахборот эгаси – қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

махфий ахборот – фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

оммавий ахборот – чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

ҳужжатлаштирилган ахборот – идентификация қилиш имконини берувчи реқвизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

4-модда. Ахборот эркинлиги

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари

Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир.

6-модда. Ахборотнинг очиклиги ва ошкоралиги

Ахборот очик ва ошқора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мустасно.

Махфий ахборотга қуйидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгилувчи қонун ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очик фондларидаги мавжуд маълумотлар.

6

3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўйбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

2-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;

ахборот мулкдори – ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборотни муҳофаза этиш – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;

ахборот ресурслари – алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соҳаси – субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан

2

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

7-модда. Ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонийлиги

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Ахборот эркинлиги кафолатлари

Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдилар.

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополаштиришга йўл қўйилмайди.

9-модда. Ахборот олиш тартиби

Ҳар ким ахборот олиш учун беvosита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юридик шахсларнинг эса реквизитлари) ҳамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача

4

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизimini барпо этиш.

15-модда. Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм қилишни ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 декабрь.

7

қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Сўралаётган ахборотни ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаган тақдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Сўралаётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

сўралаётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

сўралаётган ахборот тақдим этиладиган сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Ахборот берганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

10-модда. Ахборот бериши рад этиш

Агар сўралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак.

Махфий ахборот мулкдори, эгаси ахборотни сўраётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

11-модда. Ахборотни муҳофаза этиш

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг

5

УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

Нью-Йоркда Ироқдаги урушга қарши намоёишга чиққан кишиларнинг 250 нафари ҳибсга олинган. Полициянинг хабарига кўра, уларнинг факат беш нафаригина жиноят содир этишган, қолганларига нисбатан жамоат тартибини бузганлиги учунгина шундай йўл тutilган.

Расмий маълумотларга кўра, Нью-Йоркдаги митингга 100 мингга яқин киши йилган, бироқ ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, намоёишга чиққанлар сони маълумотдагидан уч-беш марта кўпдир.

Умуман айтганда, шанба куни бошланган Бутунжаҳон тинчлик марши дунёнинг турли шаҳарларида бўлиб ўтиб, унда миллионлаб кишилар қатнашди. Энг йирик намоёиш Римда бўлди. Унда миллионга яқин киши Ироқдаги урушга нисбатан ўз норозилигини билдириб, кўчага чиқди. Лондонда бўлган намоёишда 750 мингдан зиёд киши иштирок этди. Полицияларнинг эътирофи этишларича, бу шаҳарда кузатилган намоёишларнинг энг йиригидир.



ҲАЗОДА ИСРОИЛ ТАНКЛАРИ

Хабарларга қараганда, Исроил Ҳазо секторида яна ўз қўшинларини киритган. Айни пайтда Исроил армиясининг 30 та танки ва бошқа ҳарбий техникаси шаҳарда турибди. Танклар шаҳарга кириши билан исроилликлар ва фаластинликлар ўртасида отишма бошланган. Оқибатда икки фаластинлик ҳалок бўлиб, тўрт нафари яраланган. Бу ҳақда Фаластин хавфсизлик хизмати хабар тарқатган. Исроил армияси вакиллари эса ҳодисани шарҳлашдан бош тортишмоқда.

Фаластин расмийларининг фикрича, шаҳарга кўшин киритилиши шанба куни содир этилган террорчилик ҳаракати билан боғлиқдир. Ушанда тўрт нафар исроиллик аскар ҳалок бўлган эди.

ТАҚДИРИ ҲАМОН МАВҲУМ

Ўн олти яшар Элза Кунгаева деган чечен қизини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган рус армияси полковниги Юрий Будановнинг иши тўғрисида газетамизнинг илгариги сонларида хабар берган эдик.

Шимолий Кавказ округ ҳарбий суди қарорига кўра, полковник жиноят содир этаётган пайтда ўз ҳатти-ҳаракати учун жавоб берадиган ҳолда бўлмаганлиги туфайли 2002 йил 31 декабрь куни жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Суд бир неча марта ўтказилган психология-психиатрия экспертизаси натижаларига кўра, шундай қарорга келган. 4 январь куни Будановни мажбурий даволаш учун махсус психиатрия муассасасига жўнатиш тўғрисида у сақланган тергов изоляторини маъмуриятга топшириқ берилган. Бироқ, Адлия вазирлигининг ҳазони ижро этиш бошқармасидан маълум қилишларича, дастлаб рожество тантаналари тугагунча буни амалга оширишнинг иложи бўлмаган. Энди эса Элза Кунгаеванинг ота-ониси суд ҳукмидан норози бўлиб ёзган қассаси тартибидидаги шикоят Олий судда кўриб чиқилганга полковник яна ҳибсда қоладиган бўлди.

НУҚУҚ YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Donon himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Anzali: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalriga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida oset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonangiz manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20122
Gazeta haftaning chorshanba kunlarida chiqadi
Navbatchi muharrir:
D. XALILOV
Navbatchi: F. MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

МОСКВАДА ЁНГИН

Жума куни содир бўлган кучли ёнгин оқибатида шаҳардаги 284, 281, 288 ва 971-АТСлар ишдан чиқиб, 40 мингга яқин москваликлар вақтинча телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Аниқланишича, Шепкин кўчасида жойлашган Замоскварецкий телефон тармоғида соат 17 ларда бошланган ёнгини шанба куни тонг саҳар соат 4 дагина учиршига муваффақ бўлишган. Дастлабки таҳминларга қараганда, юқори кучлиниши проваллар ёнган. Одатда уларни ўчириш кийин кечади.

Москва шаҳар телефон тармоғи ахборот бошқармаси бошлиги Анна Бойконинг сўзларига кўра, ёнгин келтирган зарар миқдори ва АТСлар ишини қайта тиклаш мuddатлари ҳозирча маълум эмас. Бунинг учун 2—2,5 ҳафта талаб этилади. Унгача москваликлар кўчма телефон алоқаси тармоғидан фойдаланиб туришади.

ТЕРРОРЧИЛИК ХАВФИ МАВЖУД

Америка ҳарбийлари Усома бин Лодин бир йил олдин Афғонистоннинг Тора-Бора горидаги бомбардимонлар пайтида ҳалок бўлган дея ўзларини ишонтиришга ҳар қанча уринишмасин, дунёдаги биринчи рақамли террорчи ҳамоно тиррак ўшайди. Шу кунларда Расмий Вашингтон ихтиёрига бин Лодиннинг овози ёзилган иккита аудиокассета келиб тушган. Уларнинг ҳақиқатлиги америкаликлар шубҳа қилшмапти. Биринчи кассетада у Ироқни қўллаб-қувватлашини билдирса, иккинчисида самолёт штурвалига ўтириб, АҚШ ҳудудига террорчилик ҳаракати содир этиб, ҳалок бўлишга тайёрлигини билдиради.

Иккинчи кассетани одамлар ўрганиб қолганларидек Қатарнинг «Ал-Жазира» телекомпанияси эмас, «Ал-ансор» араб агентлиги олган. Агентлик офиси Англиянинг Бирмингем шаҳрида жойлашган. Кўзга ташланадиган иккинчи янгилик шундаки, бин Лодиннинг мувожаатлари шеърий йиқиндадир.

Америкаликлар бин Лодиннинг бу галги мувожаатини жиддий қабул қилган кўринади. Айни пайтда Вашингтон шаҳри осмонда қирувчи самолёт ва вертолётларнинг жанговар навбатчилиги ташкил қилинган. Шаҳар атрофига ракетага қарши қуролмалар жойлаштирилган. Мамлакат фуқаролари химиявий ҳужум содир этилишидан хавфсиз раб, уйларидаги дераза ойналарининг очик жойларини скотч билан беркитишмоқда.

Терроризмнинг нима эканлигини юртдошларимиз яқини билади. Чунки улар бу фожеанинг нақадар даҳшатли эканлигини кўришди ва гувоҳи бўлишди.

Террор миллат ва давлат танламаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Телевизорни кўйсангиз дунёнинг қайси дунё бурчагида террорга тайёргарлик кўраётган гуруҳ фош қилинган ёки мудҳиш воқеа юз бергани ҳақидаги манзараларга кўзингиз тушади. Энг даҳшатлиси, терроризм жаҳон ҳамжамиятининг глобал муаммосига айлиниб борапти.

ТЕРРОРИЗМ ВА ДУНЁ

Ҳозирги вақтда дунёдаги кўплай давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, халқаро ташкилотлар терроризмга қарши олиб борилаётган курашда кучларни бириктириш мақсадида учрашувлар, семинарлар ўтказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари бу борадаги тажрибалар билан ўртоқлашиш мақсадида АҚШ, Хитой, Япония каби мамлакатларда бўлиб қайтишди.

2002 йил декабрь ойида ходимларимиз Германиянинг Бонн шаҳрида дунёнинг ривожланган мамлакатлари вакиллари иштирокида «Чегара билмас жиноятчиликка қар-

ИРОҚ МАСАЛАСИ ОЧИҚ ҚОЛАЯПТИ



Мухаммад ал-Барадейларнинг ҳисоботи шов-шув кўзатмади. Текшириш бошланган 11 ҳафта мобайнида Ироқда оммавий қирғин қуроллари топилмади. Вазият Бағдод БМТга тақдим этган ҳужжатларга тўлиқ мос келган. Бироқ, барибир таъкидланган қурол топилган, бу учини узоқлиги белгиланган 150 км.лик масофадан ошувчи «Ас-Самуд» ва инспекторлар учини радиусини хали аниқлай олмаган «Ал-Фата» ракетага кирди. Инспекторларнинг фикрига кўра, бу Ироққа нисбатан кўч ишлатишга сабаб бўлолмайди. Бликс ҳам, ал-Барадей ҳам текширишларни давом эттириш лозимлигини таъкидлашди. Бликс ўз нутқида АҚШ давлат котиби К.Пауэлнинг фикрини инкор қилар экан, «инспекторлар келишини ҳарбий объектларда олдиндан билиш ҳолатлари кузатилмади», — деди. Шу билан бирга, ҳали Бағдод жавоб бериши керак бўлган баъзи саволлар очиқлигича қолмоқда. Булар Сибир куйдиргиси спораларини ишлаб чиқариш дастури, VX захарлаш воситалари ва юқорида айтиб ўтилган ракеталар билан боғлиқ саволлардир. Шунингдек, ўтган ҳафтада тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаганлиги туфайли Бағдод ўзининг ядро дастури тўғрисида батафсилроқ ҳикоя қилиб бериши керак.

ши кураш» мавзусида ўтказилган йилгида қатнашди. Бундай катта анжуманларда иштирок этиш бугунги кунда биз учун муҳим аҳамиятта эга.

Ҳақиқатни айтганимиз бўлса, терроризм хавфи тўғрисида юртбошимиз Ислам Каримов халқаро минбарлардан биринчилардан бўлиб бонг урди. 1998 йилнинг 6 ноябрида ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида юртбошимиз Афғонистондаги носоғлом муҳит афғон халқи бошига оғир кулфатлар келтираётгани ҳақида дунё ахлини огоҳлантирган эди.

Яқинда ЎзТВда «Тинчлик учун кураш» ҳужжатли фильми намоёиш этилди. Фильмда мамлакатимизнинг яқин тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Унда ҳуқуқшунос олим

славия, Франция, Россия, Молдова, Туркия, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатларда ҳам кенг қулоч ёзди. Бугунги кунда бу офатга қарши биргаликда курашини ҳаётнинг ўзи тақозо қилапти.

Жаҳон давлатларининг терроризмга қарши курашишга оид миллий қонунчилиги механизмининг кўриб чиқишдан аввал маъруз давлатларда терроризмнинг қандай таснифланиши ва террорчиларга қандай жазо берилишига эътибор бериш зарур. Масалан, Туркияда 1991 йил 12 апрелда терроризмга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинган.

Бундай қонун 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистонда ҳам қабул қилинди. Ундан кўзланган мақсад терроризмга қарши кураш соҳаси-

даги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Аллоҳга шукрки, мамлакатимизда фаровонлик ва тинчлик ҳукм сурмоқда. Бу халқимизнинг улуг ишларини амалга ошириши учун катта имконият демакдир. Шунинин билан айта оламизки, терроризм балоси дунёдаги виждони уйғоқ инсонларни яратувчанлик йўлидан қайтара олмайди. Бир сўз билан айтганда, эзгулик ёвузлик устидан голиб чиқади.

Ақмал АСРОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

